

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

О.Т.ЮЛДАШЕВ



**СУФУРТА ИШИ
КАФЕДРАСИ**



СУФУРТА ИШИ

Тошкент-2014

3-МАВЗУ: СУГУРТА ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

РЕЖА

1

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида сугурта муносабатларининг акс эттирилиши.

2

- Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни: унинг тузилиши ва мазмуни.

3

- Суғурта фаолиятини қонун ости хужжатлари билан тартибга солиш.

4

- Суғурта фаолияти классификаторининг таркиби ва унинг тасдиқланиши

3.1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида сұғурта муносабатларининг акс эттирилиши.

Мулкий сұғурта шартномаси бўйича қўйидагилар сұғурталаниши мумкин:

муайян мол-мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфи;

фуқаролик жавобгарлиги хавфи — бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек шартномалар бўйича жавобгарлик хавфи;

тадбиркорлик хавфи — тадбиркорнинг контрагентлари ўз мажбуриятларини бузиши ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кўра бу фаолият шарт-шароитларининг ўзгариши туфайли тадбиркорлик фаолиятидан кутилган даромадларни ололмаслик хавфи.

Сұғурталашга йўл қўйилмайдиган манфаатлар

Файриқонуний манфаатларни;

Қимор, лотереялар ва гаров ўйинларида иштирок этишда кўриладиган заарни;

Гаровга олингандарни озод қилиш мақсадида шахс мажбуран қилиши мумкин бўлган харажатларни сұғурталашга йўл қўйилмайди.

Суғурта шартномасининг муҳим шартлари

Мулкий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қуидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

- 1 • суғурта обьекти бўлган муайян мол-мулк ёхуд бошқа мулкий манфаат тўғрисида;
- 2 • юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида;
- 3 • суғурта пули миқдори тўғрисида;
- 4 • суғурта товони миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисида, агар шартномада уни суғурта пулидан оз миқдорда тўлаш мумкинлиги назарда тутилган бўлса;
- 5 • суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;
- 6 • шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Шахсий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қуидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

- 1 • суғурталанган шахс тўғрисида;
- 2 • суғурталанган шахс ҳаётида юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида;
- 3 • суғурта пули миқдори тўғрисида;
- 4 • суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;
- 5 • шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида

Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи тақдим этадиган маълумотлар

Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи ўзига маълум бўлиб, суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини ва унинг юз бериши туфайли кутилажак зарар микдори (суғурта хавфи)ни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни суғурталовчига хабар қилиши шарт.

Суғурта шартномаси (полиси)нинг стандарт шаклида, суғурта қилдирувчига берилган суғурта қоидаларида ёки ёзма сўровда суғурталовчи томонидан олдиндан аниқ айтиб қўйилган ҳолатлар муҳим деб ҳисобланади.

Агар суғурта шартномаси суғурталовчининг қандайдир саволларига суғурта қилдирувчининг жавоблари бўлмаган ҳолда тузилган бўлса, суғурталовчи тегишли ҳолатлар суғурта қилдирувчи томонидан маълум қилинмаганлигига асосланиб кейинчалик шартномани бекор қилишни ёхуд уни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қила олмайди.

Суғурталовчи суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ва наф оловчи, уларнинг соғлигининг ҳолати тўғрисидаги, шунингдек бу шахсларнинг мулкий аҳволи тўғрисидаги ўз касб фаолияти натижасида ўзи олган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас. Суғурта сирини бузганлик учун суғурталовчи бузилган ҳукукларнинг тури ва бузиш хусусиятига қараб Фуқаролик Кодекснинг 985, 1021 ва 1022-моддалари қоидаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Суғурта шартномасининг ҳақиқий эмаслиги

Суғурта шартномаси қуйидаги ҳолларда ўз-ўзидан ҳақиқий эмас:

шартнома тузилаётган пайтда суғурта обьекти мавжуд бўлмаса;

жиноий йўл билан қўлга киритилган, жиноят нарсаси ҳисобланувчи ёки мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулк мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бўлса;

шартнома бўйича ғайриҳуқуқий манфаат суғурталанган бўлса;

суғурта шартномасида суғурта ҳодисаси сифатида юз бериш эҳтимоллиги ва тасодифийлик белгилари бўлмаган воқеа назарда тутилган бўлса.

Суғурта шартномаси амал қилишининг бошланиши:

Суғурта шартномаси, агар унда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта мукофоти ёки биринчи бадал тўланган пайтда кучга киради.

Агар шартномада суғурта амал қилиши бошланишининг бошқача муддати назарда тутилмаган бўлса, шартномада шартлашилган суғурта шартномаси кучга кирганидан кейин юз берган суғурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади.

Суғурта шартномасининг муддатидан илгари бекор бўлиши

Суғурта шартномаси, агар у кучга кирганидан кейин суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли йўқолган ва суғурта хавфининг мавжуд бўлиши суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатлар бўйича тугаган бўлса, тузилган муддати келишидан олдин бекор бўлади. Қуидагилар шундай ҳолатлар жумласига киради, чунончи:

суғурталанган мол-мулкнинг юз берган суғурта ҳодисасидан бошқа сабабларга кўра нобуд бўлиши;

тадбиркорлик хавфини ёки ана шу фаолият билан боғлиқ фуқаровий жавобгарлик хавфини суғурталаган шахснинг тадбиркорлик фаолиятини белгиланган тартибда тўхтатиши.

Суғурта шартномаси ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатидан олдин бекор бўлганда, суғурталовчи суғурта мукофотининг бир қисмини суғурта амал қилган вактга мутаносиб равишда олиш ҳуқуқига эга.

Сұғарталовчини суғурта товонини ва суғурта пулинин түлашдан озод қилиш асослари

Сұғарталовчи, агар қонунда ёки суғурта шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса ва суғурта ҳодисаси қуидагилар оқибатида юзага келган бўлса, суғурта товонини ва суғурта пулинин түлашдан озод қилинади:

ядро портлаши,
радиация ёки
радиоактив заҳарланиш
таъсирида;

ҳарбий ҳаракатлар,
манёврлар ёки бошқа
ҳарбий тадбирлар.

Агар мулкий суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сұғарталовчи сұғурталанган мол-мулк давлат органларининг фармойиши билан олиб қўйилиши, мусодара қилиниши, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиб ташланиши оқибатида кўрилган зарар учун суғурта товонини түлашдан озод қилинади.

3.2. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни: унинг тузилиши ва мазмuni.

Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шунингдек суғурталовчининг бошқа маблағларидан шакллантириладиган пул фонdlари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товоини (суғурта пулинни) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади.

Суғурта фаолияти деганда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлик фаолияти тушунилади.

Суғурта қуидаги соҳаларга бўлинади:

ҳаётни суғурта қилиш (жисмоний шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти ва пул таъминоти билан боғлиқ манфаатларини суғурта қилиш, бунда шартнома бўйича суғуртанинг энг кам муддати бир йилни ташкил этади ҳамда суғурта пулларининг суғурта шартномасида кўрсатиб ўтилган оширилган фоизни ўз ичига олувчи бир марталик ёки даврий тўловларини (аннуитетларни) қамраб олади);

умумий суғурта (шахсий, мулкий суғурта, жавобгарликни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни суғурта қилиш соҳасига тааллуқли бўлмаган бошқа суғурта турлари).

Суғурта таваккалчиликлари ёки улар гуруҳларининг ва улар билан боғлиқ мажбуриятларнинг умумий хусусиятларига мувоғиқ суғурта соҳалари суғурта турларига (классларига) бўлинади. Суғурта турлари (класслари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

3.2. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни: унинг тузилиши ва мазмуни.

Суғурталовчилар, суғурта воситачилари, аджастерлар, актуарийлар, суғурта сюрвейерлари, шунингдек асистанс суғурта бозорининг професионал иштирокчилариидир.

Аджастер суғурталовчининг (суғурта қилдирувчининг) ва бошқа буюртмачининг топшириғи бўйича қўйидаги хизматларни кўрсатувчи, ўз штатида тегишли мутахассисларга эга бўлган юридик шахс ёки професионал билим ва малакага эга бўлган жисмоний шахсдир:

- 1 • суғурта ҳодисаси юз берганидан кейин суғурта обьектини кўздан кечириш ва текшириш;
- 2 • суғурта ҳодисаси фактларини ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш;
- 3 • суғурта обьектининг шикастланиш сабабларини ва суғурта ҳодисаси мавжудлигини аниқлаш;
- 4 • суғурта ҳодисаси мавжуд бўлган тақдирда — суғурта ҳодисаси оқибатида вужудга келган шикастланиш даражаси ва зарар миқдорини белгилаш;
- 5 • тўланиши керак бўлган суғурта товони суммасини аниқлаш;
- 6 • суғурта ҳодисаси бўйича хулоса тузиш.

Суғурта сюрвейери қуйидагилар бўйича хизматлар кўрсатувчи, ўз штатида тегишли мутахассисларга эга бўлган юридик шахс ёки профессионал билим ва малакага эга бўлган жисмоний шахсдир:

а

- суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси тузилгунига қадар суғурта (қайта суғурта қилиш) объектини кўздан кечириш ва текшириш;

б

- суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси тузилгунига қадар барча фактларни ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш, таваккалчилик даражасини аниқлаш;

в

- текширилаётган суғурта обьекти бўйича хulosса тузиш.

Аджастер ва Суғурта сюрвейери ўз фаолиятини суғурталовчи (суғурта қилдирувчи) ва бошқа буюртмачи билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

Аджастер ва Суғурта сюрвейери :

1

- суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта қилиш операциялари ўтказишига;

2

- суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишига;

3

- суғурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишига ҳақли эмас.

Сұғарталовчи

Тегишли турдаги сұғартаны амалға ошириш учун лицензияга эга бўлган ва сұғурта шартномасига мувофиқ сұғурта товони (сұғурта пули) тўловини амалға ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс сұғарталовчи деб эътироф этилади.

Сұғурта брокери

Сұғурта қилдирувчининг номидан ва топшириғига биноан сұғурта шартномаси тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалға оширувчи юридик шахс сұғурта брокери ҳисобланади.

Қайта сұғурта брокери

Ўз номидан ва қайта сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта қилдирувчи тариқасида иштирок этувчи сұғарталовчининг топшириғига биноан қайта сұғурта қилиш шартномаси тузилишини ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик шахс қайта сұғурта брокери ҳисобланади.

Суғурта агенти

Суғурталовчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномасининг тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик ёки жисмоний шахс суғурта агенти ҳисобланади.

Суғурталовчининг бошқарув органлари раҳбарлари суғурта агенти бўла олмайдилар.

Суғурта агенти ўз фаолиятини суғурталовчилар билан тузилган топшириқ шартномалари (агент битимлари) асосида амалга оширади.

Суғурта агенти фақат ўзи билан топшириқ шартномаси (агент битими) тузган суғурталовчи реестрига киритилганидан кейин ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Суғурталовчилар устав фондининг энг кам миқдори қонун хужжатлари билан белгиланади.

Суғурталовчи устав фондининг камида тўқсон фоизи муассисларнинг (иштирокчиларнинг) пул маблағларидан шаклантирилади.

Суғурталовчининг устав фондини шаклантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Суғурталовчининг бошланғич устав фонди лицензия олинадиган пайтга қадар муассислар томонидан шаклантирилган бўлиши ва қонун хужжатларида белгиланганди устав фондининг энг кам миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

Суғурталовчиларнинг ва суғурта брокерларининг фирма номида илгари ташкил этилган суғурталовчиларнинг ва суғурта брокерларининг фирма номи билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар қўлланилишига йўл қўйилмайди, бундан суғурталовчиларнинг ва суғурта брокерларининг филиаллари, шунингдек унитар корхона шаклида бошқа суғурталовчилар томонидан ташкил этилган суғурталовчиларнинг ва суғурта брокерларининг фирма номлари мустасно.



Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда маҳсус ваколатли давлат органи берадиган лицензиялар асосида амалга оширилади.



Лицензия суғурталовчига ёхуд ҳаётни суғурта қилиш соҳасида, ёхуд умумий суғурта соҳасида, ёхуд фақат қайта суғурта қилиш бўйича суғурта фаолиятини амалга ошириш учун берилади. Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас, умумий суғурта соҳасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган айрим турлари (класслари) бундан мустасно.



Умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас. Фақат қайта суғурта қилиш бўйича суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи суғурта шартномаларини тузишга ҳақли эмас.

3.3. Суғурта фаолиятини қонун ости хужжатлари билан тартибга солиш.

«СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ

«Суғурта фаолияти түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида» 2002 йил 31 январдаги ПФ-3022-сон Фармонга мувофиқ ҳамда суғурта тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш, суғурталовчиларнинг моддий-техника базасини ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларнинг минтақавий ваколатхоналарини кенгайтириш ва аҳолининг суғурта ташкилотларига бўлган ишончини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги суғурта фаолиятини тартибга соловчи ва назорат қилувчи маҳсус ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш түғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Юридик шахслар учун суғуртанинг ихтиёрий турлари бўйича йиллик харажатлар нормативи маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган тушум йиллик ҳажмининг икки фоизи миқдорида белгилансин.

«СУҒУРТАЧИЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида» 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли карорига мувофиқ ҳамда суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш, суғуртачиларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, шунингдек суғурта хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуqlари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг иловага мувофиқ суғурта фаолияти турларига қараб, суғуртачиларнинг устав капитали минимал миқдорларини 2012 — 2014 йиллар мобайнида босқичма-босқич, табақалаштирилган тарзда ошириб бориш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда мазкур қарорнинг 1-банди талабларига жавоб бермайдиган суғуртачиларнинг лицензиялари амал қилишини қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тўхтатиб қўйиш ва тугатиш чораларини кўрсинг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 майдаги ПҚ-1544-сонли
қарорига ИЛОВА

**Суғуртачилар учун устав капиталининг энг оз
МИҚДОРЛАРИ**

			(эквиваленти минг евро)
Суғурта фаолияти турлари	2008 йил 1 июлдан	2012 йил 1 июлдан	2014 йил 1 июлдан
Умумий суғурта соҳасида	750,0	1 125,0	1 500,0
Ҳаётни суғурталаш соҳасида	1000,0	1 500,0	2 000,0
Мажбурий суғурталаш бўйича	1500,0	2 250,0	3 000,0
Фақат қайта суғурталаш бўйича	4000,0	5 000,0	6 000,0

3.3. Суғурта фаолияти классификаторининг таркиби ва унинг тасдиқланиши

Суғурта фаолияти классификатори - суғурталовчилар ҳамда суғурта брокерлари суғурта фаолиятини лицензиялаш жараёнида уларнинг фаолият йўналишларини белгилашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласидиган меъёрий ҳужжатdir.

Суғурта фаолияти классификаторида келтирилган класслар ёрдамида суғурталовчиларнинг суғурта хизмат турлари бўйича суғурта шартномалари тузилади.

Суғурта хизматларини кўрсатиш икки хил йўл билан амалга оширилади:

иҳтиёрий

мажбурий

Суғурта фаолияти классификаторида иккала турда амалга ошириладиган суғурта турлари ҳам мавжуд бўлиб, улар:

жавобгарлик суғуртаси

мулкий суғурта

ҳаёт суғуртасига

Сұғурта фаолияти КЛАССИФИКАТОРИ

1. Ҳаётни сұғурта қилиш тармоғи

Класс тартиб рақами	Класснинг номи	Мазмуні ва сұғурта қилиш шартлари бүйічә талаблар
I класс	Ҳаёт ва аннуитетлар	Қуйидаги ҳолларда сұғурта суммалари тұлаш бүйічә сұғурталовчининг мажбуриятларини назарда тутувчи, бир йилдан ортиқ муддатга амал қилувчи ҳаётни сұғурта қилиш турлари жами: <ul style="list-style-type: none">- сұғурта қилинувчининг сұғурта муддати тамом бўлгунгача ёки сұғурта шартномасида белгиланган ёшгача яшаши;- сұғурта қилинувчининг вафот етиши; шунингдек сұғурта шартномаси амал қилиши давридаги жорий тўловлар (аннуитетлар), ИИИ класс бундан мустасно
II класс	Никоҳ ва туғилиш	Никоҳга киришда ёки бола туғилганда сұғурта суммаси тўланишини таъминловчи, бир йилдан ортиқ муддатга амал қилувчи ҳаётни сұғурта қилиш турлари жами
III класс	Ҳаётни узок муддатли сұғурта қилиш	Умрбод рента тўланиши билан биргаликда ҳаётни сұғурта қилиш турлари жами
IV класс	Соғлиқни сұғурта қилиш	Кўрсатиб ўтилган сұғурта даври камида беш йилдан кам бўлмаган муддатга ёки сұғурта қилинувчининг пенсия ёшига етгунига қадар белгиланиши шарти билан баҳтсиз ҳодиса ёки муайян турдаги баҳтсиз ҳодиса ёки касаллик ёки касалланиш туфайли қаттиқ шикастланиш натижасида меҳнатга лаёқатлиликни йўқотганда сұғурта суммалари тўланишини таъминловчи ҳаётни сұғурта қилиш турлари жами. Бунда шартномада кўрсатилган сұғурта даври сұғурталовчи томонидан бир томонлама тартибда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин емас

2. Умумий сұғурта тармоғи

Класс тартиб рақами	Класснинг номи	Мазмуни ва сұғурта қилиш шартлари бүйича талаблар
1-класс	Бахтсиз ҳодисалардан ехтиёт шарт суғурта қилиш	<p>Қуйидаги ҳолларда:</p> <p>а) бахтсиз ҳодиса ёки муайян турдаги бахтсиз ҳодиса натижасида соғлиқнинг қаттық шикастланиши, ёхуд;</p> <p>б) бахтсиз ҳодиса ёки муайян турдаги бахтсиз ҳодиса натижасида вафот этган тақдирда, ёхуд;</p> <p>в) касаллик ёки муайян турдаги касаллик натижасида меҳнат қобилиягини йўқотиш, шу жумладан ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликлари, бироқ 2-класс ва 4-класс бүйича сұғурта шартномаларини истисно қилган ҳолда, сұғурта қилинган шахсга сұғурта таъминотининг белгилаб қўйилган пул суммаси ёки пул компенсацияси тўланишини таъминловчи сұғурта турлари жами</p>
2-класс	Касалликдан эхтиёт шарт суғурта қилиш	Сұғурта таъминотининг белгилаб қўйилган пул суммаси тўланишини ёки касаллик ёки соғлиқнинг издан чиқиши муносабати билан сұғурта қилдирувчининг пул компенсацияси (ёки унинг ҳам, бунинг ҳам комбинацияси)ни таъминловчи сұғурта турлари жами, бироқ ҳаётни сұғурта қилиш тармоқларининг 4-класси бүйича шартномаларни истисно қилган ҳолда
3-класс	Ер усти транспорт воситаларини сұғурта қилиш	Транспорт воситалари, ўзи юрар машина ва механизмлар, ҳаракатланадиган темир йўл таркиби бундан мустасно, йўқотилганда ёки шикастланганда сұғурта қопламаси тўланишини таъминловчи сұғурта турлари жами
4-класс	Ҳаракатланадиган темир йўл таркибини сұғурта қилиш	Ҳаракатланадиган темир йўл таркиби йўқотилганда ёки шикастланганда сұғурта қопламаси тўланишини таъминловчи сұғуртанинг турлари жами

2. Умумий суғурта тармоғи

Класс тартиб рақами	Класснинг номи	Мазмуни ва суғурта қилиш шартлари бўйича талаблар
5-класс	Авиация суғуртаси	Хаво кемаси, ҳаво кемасининг машина асбоб-ускуналари, жиҳозлари, инвентари, эҳтиёт қисмлари йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
6-класс	Денгиз суғуртаси	Денгиз ва ички дарё кемалари, кемаларнинг машина асбоб-ускуналари, асбоб-ускуналари, инвентари, еҳтиёт қисмлари йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
7-класс	Йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш	Транспортнинг ҳар хил турлари билан ташишда юклар, багаж ва бошқа мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
8-класс	Мол-мулкни оловдан ва табиий оғатлардан суғурта қилиш	Ёнгин, портлаш, бўрон, довул, жала, кўчки, тупроқнинг чўкиши, емирилиш, ер ости сувлари, сел, яшин уриши, зилзила, ядро енергияси таъсири натижасида мол-мулк (3 ва 7- классларда кўрсатилганлар бундан мустасно) йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
9-класс	Мол-мулкни зарардан суғурта қилиш	8-классда кўрсатилмаган дўл, қалин кор ёғиши ёки қаттиқ совук тушиши, бузиб кириб ўғирлик қилиш ва бошқа воқеалар натижасида мол-мулк (3 ва 7-классларда кўрсатилгандан бошқа) йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами

2. Умумий сұғурта тармоғи

Класс тартиб рақами	Класснинг номи	Мазмуни ва сұғурта қилиш шартлари бүйича талаблар
10-класс	Автофуқаролик жавобгарлигини сұғурта қилиш	Ер усти транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрап машиналар ва механизмлардан фойдаланиш оқибатида, ташувчиларнинг жавобгарлиги ҳам шу жумлага киради, учинчи шахсларга (жисмоний ва юридик шахсларга) заар етказилган тақдирда сұғурта қопламаси тұланишини таъминловчи сұғурта турлари жами
11-класс	Авиация сұғуртаси доирасидаги жавобгарлыкни сұғурта қилиш	Хаво кемасидан фойдаланиш оқибатида, авиаташувчиларнинг жавобгарлиги ҳам шу жумлага киради, учинчи шахсларга (жисмоний ва юридик шахсларга) заар етказилган тақдирда сұғурта қопламаси тұланишини таъминловчи сұғурта турлари жами
12-класс	Денгиз сұғуртаси доирасида жавобгарлыкни сұғурта қилиш	Денгиз ва ички кемалардан фойдаланиш оқибатида, денгиз ташувчисининг жавобгарлиги ҳам шу жумлага киради, учинчи шахсларга (жисмоний ва юридик шахсларга) заар етказилган тақдирда сұғурта қопламаси тұланишини таъминловчи сұғурта турлари жами
13-класс	Умумий фуқаролик жавобгарлигини сұғурта қилиш	10, 11 ва 12-классларда күрсатылмаган таваккалчиликтар оқибатида учинчи шахслар (жисмоний ва юридик шахслар) олдида фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлган тақдирда сұғурта қопламаси тұланишини таъминловчи сұғурта турлари жами
14-класс	Кредитларни сұғурта қилиш	Сұғурта қилдирувчининг дебитори начорлиги (банкротлик) ёки дебиторнинг сұғурта қилдирувчи олдидағи қарзларни қайтариш мажбурияти бажарилмаслиги (начорликдан ташқари) натижасида сұғурта қилдирувчи заар кўрганда сұғурта қопламаси тұланишини таъминловчи сұғурта турлари жами

2. Умумий сұғурта тармоғи

Класс тартиб рақами	Класснинг номи	Мазмуни ва сұғурта қилиш шартлари бўйича талаблар
15-класс	Кафилликни (кафолатларни) сұғурта қилиш	Сұғурта қилдирувчининг ўзига берилган кафолатни бажариши мажбурияти натижасида сұғурта қилдирувчи зарар кўрганда сұғурта қопламаси тўланишини таъминловчи сұғурта турлари жами
16-класс	Бошқа молиявий таваккалчиликларда н сұғурта қилиш	Қўйидаги ҳолларда: а) сұғурта қилдирувчининг бизнеси (хўжалик фаолияти) узилиб қолиши ёки сұғурта қилдирувчи томонидан амалга оширилаётган бизнес (хўжалик фаолияти) кўлами камайиши натижасида сұғурта қилдирувчи зарар кўрганда; б) олдиндан назарда тутилмаган харажатлар натижасида сұғурта қилдирувчи зарар кўрганда (17-классда кўрсатилгандан ташқари); в) шартномалар тузилиши ва бажарилиши билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш натижасида мазкур даражанинг а) ва б) бандларида кўрсатилгандан бошқа нобудгарчиликларга учраганда сұғурта қопламаси тўланишини таъминловчи сұғурта турлари жами
17-класс	Хуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатларни сұғурта қилиш	Суд мухокамаси билан боғлиқ кўрилган харажатлар натижасида сұғурта қилдирувчи зарар кўрганда сұғурта қопламаси тўланишини таъминловчи сұғурта турлари жами